# Собитқадамлик—фаолиятимиз мезони бўлсин

(Давоми. Боши 1-бетда).

деҳқон хўжалигига 30 гектар ўрнига атиги 12 гектар ер ажратилган, холос. Бундай мисолларни яна келтириш мумкин.

Хўжаликларнинг ички ишлаб чиқариш муносабатлари секин ўзгармоқда, маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг ҳуқуқларини камситиш ҳоллари учраб турибди, қишлоқ хўжалигининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаши лозим бўлган корхоналар билан ҳамкорлик механизми ҳануз яратилмаган.

Пахтачилик хўжаликлари билан пахта заводлари ўртасидаги иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш, пахта хомашёсининг ва пахта маҳсулотларининг сон ва сифат кўрсаткичларини аниқлашдаги номутаносибликларни бартараф қилиш долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Қишлоқ хўжалик вазирлиги, «Ўзмевасабзавотузумсаноат», «Ўзбекбирлашув», «Ўзгўштсаноат», «Ўзкоптайёрловсавдо» каби концернларга қарашли тайёрлов ташкилотлари кўпинча деҳқон (фермер) хўжаликлари ва шахсий томорқа эгалари билан шартномалар тузишга етарли эътибор бермаяптилар.

Банк муассасалари тайёрлов ташкилотларининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини топширувчилар билан ҳисоб-китоб қилиш учун вақтида кредит ажратмаслиги сабабли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчиларнинг молиявий аҳволи мушкуллашмоқда.

Шу йилнинг апрелига қадар хўжаликларнинг банкларга муддатида тўламаган қарзлари 4,1 миллиард сўмни, маҳсулот етказиб берувчиларга муддатида тўланмаган қарзлари эса 210,8 миллиард сўмни ташкил этди.

Зикр этилганларни хулосалаганда, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш борасидаги ҳукумат қарорлари етарли даражада амалга оширилмаяпти, дейиш мумкин. Расмиятчилик ва нўноқликка, сансалорлик ва буйруқбозликка йўл қўйилмоқда.

Бизда илгариги тузумдан қолган бир иллат бор, деди Президент. Юқори давлат идораларига, жойлардан кўпинча ёқимсиз кўрсаткичлардан «тозаланган», яъни силлиқланган маълумотлар келади.

Бугун ислоҳотнинг боришига, унинг суръат ва миқёсига рўй-рост баҳо берадиган бўлсак, қишлоқ хўжалиги бу жараёндаги энг қотиб қолган, бошқача айтганда, «консерватив» соҳа бўлиб турибди.

Гарчи бир қанча давлат хўжаликларининг, фермаларнинг номи, мулкчилик шакли ўзгаргани билан моҳият тубдан ўзгармаяпти, дея таъкидлади Ислом Каримов. Айниқса, қишлоқ хўжалигини бошқариш эски ҳаммом—эски тос усулида давом этяпти, бу соҳа раҳбарларида янгиликка интилиш, изланиш сезилмаяпти.

Боя айтилганидек, баҳорги дала ишларини ўтказиш учун 452 миллиард сўм кредит ажратилган эди. У ўз эгасига етиб боргунча вилоят, туман, хўжалик каби уч-тўртта босқичдан ўтади. Асоссиз кредит бериш оқибатида уларнинг 5—6 фоизигина банкларга қайтиб тушяпти, холос. Ҳолбуки, банклар кредит оладиган хўжалик, фермер ва тадбиркорлар билан бевосита муносабат ўрнатиши, яъни, банк-фермер, банк-копператив усулида ишлаши, уларнинг олинган кредитни қайтара олиш имкониятини ўрганиши, бунга ишонч ҳосил қилгандан кейингина маблағ бериши керак.

Ислоҳот йўлидаги яна бир тўсиқ қишлоқ хўжалик маҳсулотлари харид нархларининг ҳақиқий маънода эркин эмаслигидир. Айрим савдо ташкилотлари, воситачи — тижоратчи идоралар маҳсулот етиштирувчиларга «Молингни шу нархда сотасан, йўқ десанг, ўзинг биласан» қабилида зўравонлик қилмоқдалар. Деҳқон ёки фермер нима қилсин! Сотмай деса, маҳсулоти айниб кетади. Бошқа харидор бўлмаса!

Бунинг устига, айрим юқори самарадорликка эга, муайян соҳада яккаҳоким бўлиб олган «Ўзгўштсутсаноат», «Ўзмевасаноат» каби концернларнинг раҳбарлари ўзларига қарашли иншоотларни очиқ ҳиссадорлик жамиятларига айлантиришга шошилмаяптилар, ислоҳот, келажак ҳақида ўйламаяптилар. Бошқача қилиб айтганда, ўз «мулк»ларига бошқаларни «шерик» қилишни, аралаштиришни истамаяптилар.

Бундан шундай хулоса чиқадики, токи мулк шакли том маънода ўзгармас экан, у ўз эгасини топмас экан, ислоҳотни олға силжитиб, ҳақиқий бозор муносабатларини шакллантириб бўлмайди, дея такидлади президент. Шундай экан, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Қишлоқ хўжалик фанлари академияси, Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ҳамда бошқа манфаатдор муассаса ташкилотлар қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотни чуқурлаштириш механизмини ишлаб чиқиши ва уни собитқадамлик билан амалиётга татбиқ этиши зарур.

Мажлисда қишлоқда ислоҳотнинг тезкорлик билан амалга оширилишини, бу борадаги Президент фармонлари ва ҳукумат қарорларининг бажарилишини назорат қилувчи махсус комиссия тузишга қарор қилинди.

Қимматбаҳо қоғозлар бозорини ташкил этиш ва унинг ривожланиши учун етарли шарт-шароит яратиш ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш, аҳоли кенг қатламларига мулкчиликда ўз улуши билан қатнашиш имкониятини бериш, чет эл сармоядорларини жалб этиш, пул муомаласини бошқариш усулларини такомиллаштиришнинг асосий йўналишларидан биридир.

Қимматбаҳо қоғозлар бозорини ривожлантириш асослари «Қимматбаҳо қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида», «Хўжалик жамиятлари ва ширкатлари тўғрисида»ги Қонунларда ўз аксини топган.

Шу қонунларга мувофиқ биринчи босқичда Молия вазирлиги бошқа вазирликлар ва идоралар билан келишилган ҳолда қимматбаҳо қоғозлар чиқариш учун гувоҳнома ҳамда қимматбаҳо қоғозларни чиқариш учун лицензиялар бериш тартибини ишлаб чиқди. Ана шу ҳуқуқий асосларда акционерлик жамиятлари ташкил этилди, қимматбаҳо қоғозлар жараёни бошланди.

Давлат қимматбаҳо қоғозларининг бугунги кундаги асосий тури 1992 йилдаги 12 фоизли ички ютуқли заёмнинг давлат облигацияларидир.

Акционерлик жамиятлари қимматбаҳо қоғозларига келсак, иқтисодий ислоҳотнинг биринчи босқичида уларнинг бозори ҳали етарли даражада ривожланмади, жорий йилнинг май ойига қадар умумий миқдори 131 миллиард сўм-купон бўлган қимматбаҳо қоғозлар чиқарилди. Уларнинг тўртдан уч қисмидан ортиғи «Ўзсаноатқурилишбанк» ҳиссасига тўғри келади.

Шундан очиқ турдаги акционерлик жамиятларининг қимматбаҳо қоғозлари 30 фоиздан камроқни ташкил этади.

Қимматбаҳо қоғозлар эмиссиясининг озлиги, юридик ва жисмоний шахсларнинг уларни сотиб олишга ва қайтадан сотишга қизиқишининг йўқлиги ёпиқ турдаги хўжалик жамиятларининг кўплиги, қимматбаҳо қоғозлар бозорининг давлат томонидан бошқарилишининг тўлақонли меъёрий-ҳуқуқий механизми мавжуд эмаслиги, фонд биржалари ва инвестиция институтлари фаолиятидаги ташкилий муаммоларнинг ечилмагани, кўпгина қимматбаҳо қоғоз чиқарувчиларнинг молиявий аҳволи ночор эканлиги, ишончли кафолатнинг ва дивиденд тўлашнинг аниқ механизми йўқлиги, шунингдек, қимматбаҳо қоғозлар чиқаришда, реклама қилишда ва муомалага киритишда тажриба етишмаслиги билан изоҳланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1994 йил 21 январдаги ҳамда «Ўзбекистон Республикасида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнини янада ривожлантиришнинг устивор йўналишлари тўғрисида» 1994 йил 15 мартдаги Фармонлари иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг, жумладан, қимматбаҳо қоғозлар бозорини ривожлантиришнинг иккинчи босқичи ва йўналишлари шартларини белгилаб берди.

Бу ҳужжатларда хусусийлаштирилган корхоналар негизида асосан очиқ турдаги акционерлик жамиятлари ташкил этилган ҳолда, қимматбаҳо қоғозларни бозорга чиқариш, мулкчиликнинг шаклларини ўзгартириш жараёнини чуқурлаштириб бориш назарда тутилган.

Кўрсатиб ўтилган вазифаларни амалга ошириш, биринчи навбатда, ислоҳотларнинг янги босқичига нисбатан қўлланилиши назарда тутилган қонунлардаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тизими ишлаб чиқилишини талаб қилади.

Ана шу мақсадда Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси томонидан бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда қимматбаҳо қоғозлар бозорини ташкил этиш ва уни бошқариш бўйича меъёрий ҳужжатлар тайёрланди.

Қимматбаҳо қоғозлар бозорини ташкил этиш, уни ривожлантириш бозор муносабатларига асосланган иқтисодий тизимнинг муҳим шартидир, деди Президент. Чунки, аҳоли ана шу акциялар орқали мулкка эгалик қилади, ишлаб чиқариш жараёнига, корхоналарнинг фаолиятига таъсир этади. Қолаверса, у аҳоли қўлидаги «ортиқча» пулларни ишлаб чиқаришга жалб этиш, пулнинг қадрсизланиш жараёнини «жилов»лаб туриш воситасидир.

Бугунги муҳокамадан маълум бўлдики, «Қимматбаҳо қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида»ги Қонун қабул қилинган бўлсада, унинг моддаларини ойдинлаштирувчи, бу жараённи тартибга солиб турувчи кўпгина йўриқномалар ҳали тасдиқланмаган. Бу ишни жадаллаштириш, уни амалга оширишда етти ўлчаб, бир кесиш, бу масала одамларнинг акция чиқарувчиларга ишончи билан боғлиқлигини, бу ишонч йўқотилса, қайта тиклаб бўлмаслигини бир дақиқа бўлсин унутмаслик лозим, деди Ислом Каримов пировардида. Шунингдек, юксак самарали, жаҳон бозорида обрўга эга бўлган корхоналар акцияларининг бир қисми билан чет элдаги машҳур биржаларда қатнашиш, шу йўл билан тажриба орттириш, маблағ топиш йўлларини излаш вақти келди.

Мажлисда олимлар, банк вакиллари, тадбиркорлар муҳокама этилган масалалар юзасидан фикр-мулоҳазаларини баён этдилар.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида қимматбаҳо қоғозлар бозорини шакллантириш ва фонд биржаси фаолиятини ташкил этиш бўйича махсус комиссия тузиш мақбул деб топилди.

Президент Ислом Каримов тавсиясига биноан республика Бош вазирининг ўринбосари, «Ўзистиқболстат» давлат қўмитаси раиси М. Шарифхўжаев Иқтисодий ислоҳот, тадбиркорлик ва хорижий сармоялар бўйича идоралараро кенгаш таркибига киритилди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. Халилов, Бош вазир А. Муталов, Бош вазир ўринбосарлари Ў. Султонов, М. Усмонов, Тошкент шаҳри ҳокими А. Фозилбеков қатнашди.

(ЎзА).

---

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

### Ҳ. ҒУЛОМОВНИ (ҲАМИД ҒУЛОМ) ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбек адабиётини ривожлантиришга қўшган муносиб ҳиссаси ҳамда жамоат турмушида фаол иштирок этгани учун ёзувчи Ҳамид Убайдуллаевич Ғуломов (Ҳамид Ғулом) Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1994 йил 30 май.



---

*Ҳамид ҒУЛОМ*

## ҚУЁШ БЎЛГИЛ

**Кўнглингда ёниб оташ,**
**ғайратда сен ёш бўлгил,**
**Дуч келса машаққатлар**
**қаттиқликда тош бўлгил.**

**Мақсадни улуғ сақла,**
**ростликни мудом ёқла,**
**Ҳақ ишни сен ардоқла,**
**дўстларингга бош бўлгил.**

**Халқинг минг чинор бўлса,**
**минг чинор қатор бўлса,**
**Фахр эт барқарор бўлса,**
**Сен унга тутош бўлгил.**

**Мардларга сен авлодсан,**
**майдонда чин Фарҳодсан,**
**Давринг меҳри-ла шодсан,**
**Меҳринг-ла қуёш бўлгил!**

---

ЁЗУВЧИ ҲАМИД ҒУЛОМ— 75 ЁШДА

## БИР ҚАТРА ДИЛ ИЗҲОРИ

**Ўқувчи қалбини забт этиш, ундан бир умрлик жой олиш қўлига қалам тутган ҳар бир шоиру ёзувчининг эзгу орзуси бўлса керак.**

**Муҳтарам адибимиз Ҳамид Ғулом худди шу орзуси ушалган бахтли ижодкорлардан биридир. У кишининг қаламига мансуб қатор назмий ва насрий асарлар бугун кенг китобхонлар оммасининг маънавий мулки бўлиб қолди.**

**Ҳамид Ғулом ёш ижодкорларга сабоқ бўлгулик ижод йўли яратди. Хусусан, у кишидаги меҳнатсеварлик, тиришқоқлигу изланувчанликнинг ўзи бир мактабдир.**

**Ҳамид Ғулом ўз журналистик фаолияти давомида халқ орасида, оддий одамлар орасида кўп юрди. Шу боис бўлса керак, бу серқирра ижодкорнинг ёзган қатор бадиий асарларида ҳам халқчиллик руҳи ғоят устун.**

**Мана, бугун атоқли адибимиз 75 ёшга тўлибдилар. Бироқ у киши ҳамон қаторда. Мустақиллик шарофатидан қайта чархланган қалами толмас қўлидан тушгани йўқ. Биз «Туркистон» газетасининг ижодий жамоаси бу устоз ёзувчини муборак оқсоқоллик ёши билан қутлаб у кишига мустаҳкам саломатлик тилаб қоламиз.**

«ТУРКИСТОН»чилар.

---

## ЮЗМА-ЮЗ

Яқинда Ёшлар Иттифоқи Тошкент шаҳар қўмитасининг Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтида талаба-ёшлар билан амалий фаолиятда ўзаро ҳамкорлик тажрибасини ўрганишга бағишланган семинари бўлиб ўтди.

Уни Ёшлар Иттифоқи шаҳар қўмитаси биринчи котиби Р. Абдуқодиров очди. Институт ректори профессор К. Юсупов ҳам ўз ўрнида талабаларни ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган ҳукумат қарорларини бажаришдаги ректоратнинг самарали тажрибаси билан таништирди. Институт Ёшлар Иттифоқи Қўмитаси котиби М. Тоштемиров эса ташкилотнинг ички тузилиши ва ҳаёти, унинг бюджети борасидаги изчил тадбирлар ҳамда ректорат томонидан яратилаётган шарт-шароитларга тўхталиб ўтди.

Йиғилиш сўнггида семинар иштирокчилари «Қайнонам — жоним онам» кўрик танловини томоша қилишди. Шунингдек улар институтнинг тарихий музейини бориб кўришди, талабалар тайёрлаган расмлар, ўймакорлик ишлари ҳамда ҳайкалтарошлик намуналарини кўздан кечирди. Институтдаги ёшларга бўлган муносабат ижобий томонга ўсганлиги ва улардаги истеъдодга алоҳида эътибор берилаётганини эътироф этишди.

Кейинги пайтларда Ёшлар Иттифоқининг олий ўқув юртларида, турли ташкилотларда бундай учрашувлар ўтказиб туриши одат тусига кириб бормоқда. Бу эса Ёшлар Иттифоқининг обрўси янада ошиб бораётганлигидан далолат беради. Юзма-юз учрашувларга нима етсин.

Умида ҚАЮМОВА.

---

## ПРЕЗИДЕНТ КУБОГИ КУНДАЛИГИ

«ЮНУСОБОД» теннис клубининг марказий кортида «Президент кубоги» халқаро мусобақасининг тантанали очилиш қисми маромига етгандан сўнг, майдонга мамлакатимиз вакили Дмитрий Томашевич ва италиялик Давид Сагуинеттилар тушишди. Ўйиннинг қизиқарли бўлиши кутилмоқда эди. Бу бир томондан Ўзбекистон Президентининг беллашувни томоша қилаётгани билан боғлиқ бўлса, яна бир томондан иккала теннисчи рейтинг жиҳатидан бир-биридан анча фарқ қилар эди. Ҳатто баъзи бир теннис ихлосмандлари Томашевични «нолдан юқорига кўтарила олмайди. Геймда ютишнику қўяверсин», дейишган эди. Тахминда ҳақиқат ҳам бордек туюлаверарди. Ахир Сагуинетти рейтинг бўйича 192-ўринда туради. Томашевич эса 900-дан нарида.

Шундай қилиб, ўйин бошланди. Биринчи бўлиб коптокни Томашевич узатди. У ўзининг галида барча имкониятлардан тўлиқ фойдаланди ва биринчи геймни муваффақиятли тамомлади. Италиялик теннисчи ҳам анойи эмасди. У геймда Дмитрийдан қолишмади. Ҳисоб 1:1 бўлди. Кейинги геймлар ҳам шу тарзда давом этаверди. Аммо бир гал Томашевич рақибининг «подачи»сида ютиб чиқди. 4:1 бўлган ҳолда Сагуинетти ўзини лоҳас сеза бошлади. Тезда тиббиёт вакиллари келишиб, уни кўрикдан ўтказишди. Ва маълум бир танаффусдан кейин ўйин давом эттирилди. Биринчи сетда «Тай-брек» усулини қўллашга тўғри келди. Чунки ҳисоблар гейм бўйича 6:6 бўлиб қолган эди. Энди ҳисоб юритишда 1,2 тарзида юритилиши зарур. Шундай қилиб, Томашевич нимага қодир эканлигини мана шу сетда кўрсатди. У 7/6 ҳисобида биринчи сетда ғолиб чиқди.

Иккинчи сет ҳам қизғин курашлар остида ўтди. Иккала теннис устаси ҳам бирбиридан қолишмас эди. Томашевич баъзи бир ўринларда қўпол хатоларга йўл қўйди. Копток узатишда бир неча бор муҳим очколарни қўлдан чиқарди. Бундан эса рақиби усталик билан фойдаланар эди.

Томошабинлар иккинчи сетда ҳам «Тай-брек» бўлиб қолмаса эди, деб чўчиб туришган эди. Буни қарангки, худди шундай бўлди ҳам. Бу сафар эса омад италиялик теннисчига кулиб боқди. Ҳисоб сетлар бўйича 1:1 бўлди. Энди ҳаммасини сўнгги, учинчи сет ҳал қилиши керак эди.

Шундай бўлди ҳам. Томашевич учинчи сетни юқори савияда ўтказди. Ва рақиби устидан 6/2 ҳисобида ғолиб келди. У ўйиндан кейин бу ҳақда оммавий ахборот воситалари ходимларига берган интервьюсида ҳам таъкидлади.

Қолган учрашувлар натижаси қуйидагича: М.-А. Горриц (Испания) — П. Векеса (Кения) — 2/6, 4/6, С. Нотебум (Голландия) — М. Ноулз— 6/4, 4/6, 6/3 Т. Ғаниев (Ўзбекистон) — Ш. Ножали (Венгрия) — 4/6, 0/6, Ф. Де Вульф (Бельгия) — Я. Вайнцирль (Германия) — 6/3, 6/3. М. Блэкмэн (АҚШ) — Д. Муса (Италия) — 6/3, 6/4. М. Робертс (АҚШ) — В. Спадеа (АҚШ)— 3/6, 5/7. Д. Меринов (Россия) — К. Алами (Марокаш) 5/7, 4/6.

---

Миллий туйғу йўлларида

# МАЪНАВИЯТ ГУЛТОЖИ

**Асосан, айрим жузъийликларни ҳисобга олмаганда, олға қараб ривожланиш умумжаҳон тарихий жараёнининг бош мазмунини ташкил этади. Маънавий равнақ ҳамиша мазкур мазмуннинг таркибий қисми бўлган. Зеро, инсонлар ҳаётий фаолиятига дахлдор бирон-бир жиддий муаммони маънавиятни, ақл-заковатни четлаб ўтиб ҳал этилмайди. Мабодо, масала ўзгача тарзда ҳал этилгудай бўлса, аҳволнинг вой бўлишлигини исботловчи мисолларни ҳаётдан исталганча келтириш мумкин.**

Маънавиятнинг ўзи серқирра, сержило ижтимоий ҳодиса бўлиб, унинг таркибида фалсафа алоҳида ўринга эга. Фалсафа табиий-гуманитар илмлар, адабиёт, санъат каби соҳалардан, ижтимоий амалиётдан озиқланади ва бунга таянган ҳолда бутун борлиқни, унинг қонуниятларини ўзининг беқиёс умумлашмалар даражасидаги тушунчаларида ифода этади ҳамда ўз навбатида, фалсафага мадад берувчи барча соҳалар ҳамда ижтимоий амалиётга мустаҳкам назарий замин бўлиб хизмат қилади. Бу маънода фалсафа маънавият олами занжирининг бош ҳалқаси, ақл-заковат булоғининг кўзидир.

Нафақат бутун инсоният, балки алоҳида халқлар, миллатлар, давлатлар тараққиётида туб бурилиш ясаган даврлар ҳам тегишли фалсафий заминнинг мавжуд бўлишлигини тақозо этган. Шу боис, жамият равнақи йўлидаги кишанларни парчалаш ишида самарали иштирок этиш доимо фалсафа илмининг ёруғ кунларини ташкил қилган.

Жаҳон ҳамжамиятидан мустақил Ўзбекистон давлатининг ўзига муносиб ўрин олиши, Ватанимиз истиқлолини мустаҳкамлаш манфаатлари фалсафа илмий тараққиётини маънавий ҳаётимизнинг туб заруратига айлантирмоқда.

Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов таъкидлаганидек: «Мақсадни тўла англамай, истиқболни кўрмай, яшаб ҳам, ишлаб ҳам бўлмайди. Янги давлат биноси қурилар экан, унинг ҳар бир жиҳатини пухта режалаштириш зарур».

Фалсафий тафаккурга таянмай ушбу вазифани ҳеч ҳам адо этиб бўлмайди. Демак, мамлакатимиз файласуф олимлари олдида мураккаб муаммоларни ҳал этишда иштирок этишдек масъулиятли ва шарафли бурч турибди. Уни бажариш учун нафақат яқин тарихимизга, балки бутун ўтмишимизга назар ташламоғимиз лозим.

Одатда, айримлар кечаги кунни қоралашга, келажакни ранглі бўёқларда тасвирлашга, ҳозирги кунга холисона баҳо беришда ожизликка мойилдирлар. Ваҳоланки, ҳозирги кун муаммоларини фақат тўғри тушуна билиш, ҳал қилиш ўтмишдан ҳамиша шифобахш сабоқлар чиқаришни, истиқболни аниқ-равшан кўра билишни тақозо этади. Айни пайтда, фақат ушбу талабларни бажариш туфайли ҳам шу куннинг муаммоларини тўғри тушуниш ва ҳал этиш мумкин.

Маданият бешигини қадимдан тебратган халқимиз буюк фарзандларининг номлари жаҳон маънавияти осмонининг ёруғ юлдузлари бутун бир йирик туркумини ташкил этган. Шу билан бирга, тарих шундан ҳам сабоқ бермоқдаки, мабодо, миллий ўз-ўзини англаш, бирлик оқсагудек бўлса, миллат, давлат, шахс учун мустақил, ҳур, озод ривожланишнинг етарли шароитлари муҳайё этилмаса, у ҳолда, «шогирд» халқлар «устоз» халқларни ўз чангларида қолдириб кетар эканлар...

Мустақиллик боис «отимизни қамчилаш» имкониятига эга бўлдик. Энди, ҳамма гап мавжуд имкониятлардан фойдалана билишда.

Бунинг энг асосий шарти — уларни фалсафий жиҳатдан англаб, пайқаб олишдадир. Бу борада муайян ишлар қилинди ва қилинмоқда. Аммо, бу ҳали «хамир учидан патир» даражасида ҳам эмас...

Машҳур ватандошимиз Абу Наср ал-Фаробийнинг минг йилдан ҳам кўпроқ вақт аввал эътироф этганидек: «Фалсафа билими очиқ-ойдин ишончли далил ҳужжатларга эга бўлади. Одамлар фалсафа йўли билан исбот этилган мавжуд нарса ҳақида тўла ишонч ва қаноатга эга бўладилар».

Ҳозирда биз асоратларидан қутилишга ҳаракат қилаётган собиқ мустабидчилик тузуми аччиқ тажрибаси ҳам бизга бу борада муайян сабоқлар бермоқда. Маълумки, мустабид тузум кенг миқёсларда илм-фан билан чиқиша олмасди. Чунки, бундай тузум шароитида ишлаб чиқарувчилар, фуқаролар мулкдан, жамиятни идора этишдан, маданиятдан бебаҳра қилинган, шу боис улар маъмурий-буйруқбозлик тизими иродасининг тил-жағсиз, кўр-кўрона ижрочиларига айланган бўлиб, жамиятда том маънодаги фанга ҳожат қолмаганди. Фаннинг, жумладан, фалсафанинг, натижада, ўз қобиғида ўралашиб, сиёсатнинг дастёрига айланганлиги бежиз эмасди. Бу бир томондан.

Иккинчи томондан, мустабид тузум инқирозининг, таназзулининг ўзи бошқа сабаблардан ташқари, айни унинг асосини бебозорлик, маъмурий-буйруқбозлик иқтисоди ташкил этганлиги билан белгиланди. Бу тажриба иқтисодий, сиёсий, маънавий, ахлоқий жиҳатлардан мустаҳкамланмаган энг олийжаноб орзу-умид, ниятлар ҳам, пировард натижада, ҳалокатга юз тутишига маҳкум этилганликларини бутун жаҳон олдида кўз-кўз қилди. Дарҳақиқат, мажбурий тарзда жаннатга ҳайдаб киритилган одамлар ҳатто шу ерда ҳам ўзларини бахтиёр ҳис этмасликларини тушуниб олиш қийин эмаску, ахир.

Ҳар қандай ижтимоий тузумнинг қудрати унинг ўз-ўзидан ривожланиш, ўз-ўзидан янгиланиш, ўз-ўзидан покланиш ва заминида ётган салоҳиятни ўз-ўзидан рўёбга чиқара олиш қобилияти билан ўлчанади. Албатта, бу деганимиз мазкур жараённи назоратсизлик, бош-бошдоқлик тарзида юз беришини англатмайди. Зотан, бунга ушбу имкониятларни ҳамда уларни рўёбга чиқариш мурватларини пайқаб, англаб олишга даъват этилган омиллар, аввалданоқ, таркибан кирадилар.

Соғлом, теран фикр кушандаси бўлмиш мустабидчилик тузуми даврида жамиятнинг бундай ривожланиш имкониятлари ўта чекланган эди. Унинг энг заиф жойларидан бирини бозор муносабатларини маъмурий-буйруқбозлик амалиёти билан алмаштирилганлиги ташкил этди.

Ҳозирда бизнинг бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтишдан ўзга йўлимиз йўқ эканлигини эътироф этиш — давримизнинг энг муҳим фалсафий сабоқларидан бири сифатида юзага келди.

Одатда иқтисод ҳақида иқтисодчилар гапиришини маъқул кўрадилар. Маълум маънода, бу тўғри, албатта. Бироқ, иқтисоднинг ижтимоий ҳаётнинг ўзга соҳалари билан алоқаси, улар таркибида тутган ўрни масаласи — бу соф фалсафий муаммодир.

Бундан ташқари, бозор биз учун собиқ Иттифоқнинг инқирози туфайли юзага келган зарурат эмас. Аксинча, Иттифоқ айни бозор муносабатларига таянилган бирликнинг тимсоли бўлмаганлиги учун ҳам барҳам топди. Эндиликда, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари учун бозор иқтисодиёти ҳаёт-мамот, чинакам мустақил, замонавий мамлакатларга айланиши, маданий халқлар ва миллатлар жаҳон ҳамжамиятига тенг ҳуқуқли аъзолар сифатида киришлари масаласи ҳамдир.

Олдимизда турган тақдириломон муаммоларни ҳал этишда ҳамма жиҳатларни ҳар томонлама пухта фикрлаб олиш, истиқбол уфқларини аниқлаб олиш, амалга оширилаётган ўзгаришларнинг эҳтимоли оқибатларини олдиндан пайқаш ўта муҳимдир. Зеро, теран, кенг қамровли тафаккур мулкига айланган оламнигина забт этилган, деб ҳисоблаш мумкин... Акс ҳолда, уни, худди бамисоли фақат силлиқ думигина қўлга кирган балиқ каби, ўзимизники, деб айтишимиз ўринсиздир.

Шуни алоҳида таъкидламоқ лозимки, назарий мавҳумликнинг олий тимсоли — фалсафий тафаккур жузъий муаммоларни ҳал этмайди, балки уларни ҳал қилиниши учун замин яратади. Наинки, йўлни ундан юрган одамгина босиб ўтиши мумкин бўлганидек, фалсафа гўёки, йўловчининг қўлидаги бир ёритқич — машъалдир. Айни пайтда, фалсафа ўткинчи, олди-қочди масалалар билан шуғулланмайди. У «абадий» ҳамда ҳамиша «долзарб» муаммолар устида бош қотиради. Баъзилар ёзган ишларини 1-2 йил ичида чоп этолмасалар, унинг эскириб қолганлиги хусусида куюниб гапирадилар. Яна бошқа бировларнинг ўнлаб йиллар давомида машғул бўлган «фаолиятларининг» натижалари оддий бир сиёсий бурилишнинг ўзидаёқ «аравадан тушиб қолади» ёки «қумга қуйилган сувдек» йўқ бўлиб кетади. Ваҳоланки, биз битилганига минг йиллар бўлганига қарамай, фалсафанинг асл буюми бўлмиш «абадий» қадриятларни тараннум этган аждодларимиз меросларини кўҳна тарих қаъридан мисқоллаб териб олишга ҳозир ҳам ўта кескин эҳтиёж ҳис этмоқдамиз.

Албатта, ҳали ҳеч кимга, уни шакллантирган муҳит қобиғидан бутунлай чиқиб кетиш насиб этмаган. Айтмоқчимизки, ижодга замона зайли, илм-фан ривожи даражаси ҳамда унинг соҳибининг шахсий ҳислатлари ўз муҳрини босмай ҳеч ҳам иложи йўқ. Аммо, нима бўлганда ҳам, «ижод» натижаларининг совун кўпигидай бир зумда барҳам топиши бунинг қандай «ижод» бўлганлигидан муайян далолат берса керак... Биз бундай ҳолатлардан тегишли сабоқлар чиқармоғимиз даркор. Яъни, мабодо, илм нодонлик измига бўйсундирилса, бунинг натижасида, фан, олимлик бадном бўлишлигини, халқнинг эса кўрган-кечиргани кони зарардан бошқа нарса бўлмаслигини чуқур англамоғимиз зарур.

Буюк Алишер Навоийнинг «Ҳайратул-аброр»да худди мана шундай нохуш вазиятни назарда тутиб айтган қуйидаги байтларини ҳамиша ёдда сақламоғимиз айни муддао бўлур эди:

**«Илмни ким воситаи жоҳ этар,**
**Ўзинию халқни гумроҳ этар.**
**Олим агар жоҳ учун ўлса залил,**
**Илми анинг жаҳлига бўлғай далил».**

Демак, кўриниб турибдики, илм — донолар мулки, нодонликнинг кушандаси. Илмни нодонлар томонидан ўзларининг ғаразли мақсадларига эришиш йўлида ундан ниқоб сифатида фойдаланишларига чек қўйиш учун жамиятда илм тарафдорларининг кўпаймоғи талаб этилади. Зеро, мутлақо тўғри айтилганидек: «Зар қадрига заргар етади».

Мамлакатимизда вужудга келаётган янгича шароитлар бунга ишончли кафолат бўлишга даъват этилган. Мустабидчилик даврида барча «умумий қозонга» ишлаб, ундан «йўлини қилиб» ўз улушини ажратиб олган, аксарият ҳолларда «ишлаган тишламай, ишламаган тишлаган» бўлса, эндиликда, бозор муносабатлари, муқаррар равишда, барча соҳаларни, муносабатларни бамисоли «рентген нурлари» каби ойдинлаштиради, сарасини сарага, пучагини пучакка ажратади, кимни ким эканлигини яққол кўрсатади. Бундан ҳеч ким қочиб қутулолмайди. Кимларнингдир томонидан бошқаларнинг нонини «туя қилиб» туширишга барҳам берилади. Наинки, бозорни мулксиз, мулкни эса — унинг эгасисиз сира тасаввур этиб бўлмайди. Айни пайтда, мулкнинг эгаси, бу фақат — хусусий мулк соҳиби дегани эмас. Бунинг устига, ҳозирги замон ижтимоий ишлаб чиқариши жамоавий мулкнинг устиворлигини кўпроқ тақозо этмоқда. Мулкни хусусийлаштириш — ягона мақсад бўлмай, балки мулкчиликнинг хилма-хиллигини ва бу орқали ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш воситасидир, холос. Кўпинча, мулкни иқтисодий ёки ҳуқуқий ҳодиса, тушунча, деб биладилар. Мулкнинг бу жиҳатларини инкор этмаган ҳолда, биз, унинг аввалambор, ижтимоий ҳодиса, фалсафий тушунча эканлигини таъкидлашни истардик. Мулк ижтимоий ҳодиса сифатида, кишилик жамияти мавжудлигининг, бозордан қатъий назар, доимий шартидир. Фалсафий тушунча сифатида эса, у ҳамиша ўзининг тарихий шаклларидан қатъий назар, инсоний, шахсий омилнинг, ишлаб чиқаришнинг ашёвий шарт-шароитлари билан боғланиш усулини англатади. Жамиятдаги, инсонлар ўртасидаги барча кўринишдаги муносабатлар, пировард натижада худди мана шу боғланиш усулининг қай тарздалилиги, яъни, кишиларнинг мулкка эгаликлари ёки ундан маҳрумликлари, унга эгалик ёки ундан маҳрумликларининг қандай кўринишда намоён бўлишлиги билан белгиланади. Бу ерда фақат шуни таъкидлашимиз мумкин: мулк эгаси — ўз-ўзидан тиниб-тинчимас, доимо ҳаракатдаги киши. Мулкдан маҳрум киши — мажбурий меҳнат ижрочиси, муте, тобе, ҳуқуқлари кемтик, ўзининг чинакам инсоний фазилатларини рўёбга чиқаришдан манфаатсиз шахс. Манфаатсиз шахс — юраги уришдан тўхтаган танани эслатади...

Мулкка эгалик бор жойда меҳнат манфаатдорлик асосида амалга оширилади, у йўқ жойда эса назоратчилик асосида, яъни хўжакўрсинчилик тарзида юз беради.

Инсон ҳуқуқлари юзаланиши учун шароит яратмаган жамиятни тўлақонли, деб бўлмайди. Қонуний ҳуқуқларнинг ўзи эса ўз-ўзидан рўёбга чиқмайди. Қонунларга, ҳуқуқларга фақат мулк соҳиби бўлганликлари учун ҳам, уларнинг сўзсиз бажарилишидан, аввалambор, моддий жиҳатдан манфаатдор бўлган кишиларгина ҳаёт, жон бахш этишлари мумкин.

Шу боис, бутун жамиятнинг, унинг ваколатли идораларининг, биринчи навбатда, давлатнинг бутун куч-ғайрати ижтимоий ҳаётнинг ушбу муҳим, тақдириломон ҳалқаси — мулкий муносабатларни халқ, миллат, инсон фаровонлиги, манфаатлари йўлида созлашга, унинг қудратли салоҳиятини тегишли тарзда жиловлашга қаратилмоғи лозим. Бу маънода, И. А. Каримов томонидан истиқлолимиз истиқболи калитини айни мулкчилик муносабатларини такомиллаштиришда, мулкнинг эгасини топиб, унга беришда кўрилаётганлиги фалсафий нуқтаи назардан мутлақо асосланган чуқур фикрдир.

Бир сўз билан айтганда, бизга миллий ҳамда умумжаҳон иқтисодий ва маданий тараққиётнинг энг яхши ютуқларини ижодий ўзлаштиришга таянган, ўз навбатида, бутун жамиятимиз, унинг ҳар бир фуқаросининг унумли меҳнат қилишининг, ижтимоий-сиёсий фаоллигининг, юксак маънавийлигининг, ахлоқий покизалигининг мустаҳкам заминини ташкил этувчи маданий бозор иқтисодиёти сув билан ҳаводек зарур. Ўзбекистонда буни амалга оширишнинг етарли даражадаги имконияти, эҳтиёжи, зарурати мавжуд. Миллий истиқлолимиз истиқболларини таъминлаш йўлидаги қатъий иродамиз — ушбу олийжаноб ниятларни рўёбга чиқишининг бош кафолатидир.

**Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси И. Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти директори.**

